


Ҳазрат Абдусаттор махдум



14:00 / 22.03.2022 1959

20 асрда яшаб, фолият юритган Наманганлик машҳур уламо Мулла Абдусаттор махдум 1891 йили Наманган шаҳри, Сардоба даҳаси (ҳозирги Янгиобод маҳалласида) Абдурахмон махдум хонадонларида дунёга келди.

Отаси Абдурахмон махдум ва бобоси Абдулқаюм махдумлар ўз замонасининг ўқимишли кишиларидан бўлиб, шариат аҳкомларини маҳкам тутган хонадон соҳибларидан эдилар. Отаси Абдурахмон махдум машҳур хофиз Қуръон ва мударрис бўлган.

Падари бузруквори Абдурахмон махдум ва волидаи меҳрибони Бўта муаллим ойим, фарзандлари Абдусатторни тили чиқа бошлаши биланоқ, «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим» калимасини ўргата бошлайдилар. Натижада Абдусаттор махдум оила муҳитида исломий тарбия олиб, улғаяди. Ота-онаси Абдусатторни эркалатиб «қорихон» дея чақирарди. Шу тариқа Абдусаттор махдум илк сабоғини ота-онасидан олади. Сўнгра ўша даврнинг пешқадам уламоларидан Икромхон тўра (ваф. 1926) ва у кишининг укаси Собитхон тўра (1866-1928) ибн Файзихон тўралардан таълим олади. У устозларидан Қуръон, тафсир, фикҳ, ақоид ва ҳадис ҳамда бошқа илмларни пухта ўрганиб камол топади.

«Абдусаттор махдум Абдурахмон қори ўғиллари шахримиздаги аҳли илм уламоларнинг олди эдилар. Бирон бир жойга борсак Қуръони Каримни тафсир қилиб, оятларни шарҳлаб, маъноларини айтиб берар эдилар. Абдусаттор махдум домла новчагина, қадди-қоматлари келишган, юзлари юмалоқ, салобатли ва кўркем инсон бўлганлар. Гаплари ҳеч кимга ботмас, кўпчилиқни ҳурмат-иззатидаги олим ва фозил киши эдилар»[\[1\]](#).

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси раиси Муфтий Зиёвиддин ибн эшон Бобоҳон ҳазратлари Наманганга келсалар, биринчи бўлиб ҳазрат Абдусаттор махдум домлани зиёрат қилиб, дуоларини олиб, кейин бошқа ишга ўтар эканлар.

Шаҳримиздаги кўплаб аҳли уламолар ва ҳофизи Қуръонлар бу кишининг даргоҳлари (қорихоналари)дан сабоқ олиш бахтига муяссар бўлишган. Шулардан баъзиларини санаб ўтамыз:

Ҳафизхон тўра (1910-2006) домла, Шамсиддин қори (1914-1998) домла, укалари Абдуқаҳҳор (1894-1980) махдум ҳамда Абдубанно (1897-1975) махдумлар, Муҳсинжон тўра (1927-2021) домла, Ҳорунхон домла ва бошқалар.

Ҳорунхон домла хотирлаб айтади: «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъаткор Камолиддин Раҳимов (1943-2015)нинг 70 ёшга тўлгани муносабати билан 2013 йил ёзилган дастурхонда, Ҳорунхон домламиз бир қизиқ воқеани айтиб бердилар:

«Адашмасам тахминан, 1972 йиллар Камолиддин биродаримизнинг қўшнилари бўлмиш Абдусаттор махдум домланинг хонадонларида хатна тўйи бўлаётган эди. Бир пайт Камолиддин биродаримизнинг оталари Қаюмжон қори домла менга Ҳорунхон, Абдусаттор домладан рухсат олиб берсангиз. ўғлим йиғилганларга Машраб ғазалларидан хиргойи қилиб, Абдусаттор махдум домланинг назарларига тушиб, дуоларини олиб қолса дегандим, дедилар. Ҳорунхон домла майли деб, рухсат олиб бердилар. Бир вақт Камолиддин Машраб ғазалларини куйга солиб айтиб бера бошлади. Ғазални тамомлагандан сўнг ҳазрат Абдусаттор махдум Камолиддинга ташаккур билдириб, ҳаққиға дуо қилдилар. Ушбу назар ва дуо сабаб, Камолиддин биродаримиз эл-юрт ардоғидаги машҳур санъаткор бўлдилар, — деган эдилар».

Усмонхон Исроил қори ўғиллари хотираларидан:

«Ҳазрат Абдусаттор маҳдум домла зукко, ўткир зеҳнли, хотиралари кучли инсон бўлиб, дилингида нималар кечаётганини сезиб олардилар. Бирон савол сўрасангиз ҳозиржавоблик билан жавоб берардилар».

Манбаларда келтирилишича, академик, машҳур табиб Муҳиддин Умаров (1947-2011) шундай деганлар: «Жалолободлик устозим машҳур Абдулҳаким табиб билан Абдусаттор маҳдум домлалар ўрталарида яқин алоқа борлигини бир воқеа сабаб билганман. Мен бу икки улуғ зотларнинг авлиёлик фойзалари ҳамда кашфу кароматларидан насибадор бўлганман. Қолаверса, Абдусаттор маҳдум домла 20 аср ўрталарида Наманганда фатво бериш, чигал диний масалаларни ҳал этиш, никоҳ, талоқ ва мерос тақсимлаш каби масалаларда ягона олим ва фозил инсон бўлганлар, дея келтирилган»[\[2\]](#).

Ҳазрат Абдусаттор маҳдум домла 1975 йил, 28 январь куни, 84 ёшларида оламдан ўтдилар. Жанозаларини Исмоил маҳдум домла ўқиб бердилар.

Абдусаттор маҳдум домлани шаҳарнинг катта қабристони «Мангулик» мазорига дафн қилинди.

Абдусаттор маҳдумнинг оилалари ва фарзандлари тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз. Маҳдум домла икки аёл билан турмуш қурганлар. Аввалги аёли Марямхон ойим (ваф. 1960) бўлиб, ундан 3 нафар қиз ва 1 нафар ўғил фарзандлари бор.

Ўғиллари Абдулҳафиз маҳдум (1932-2012), Муҳаббатхон ойим (1937-2002), Нуриддин (ваф.1983) ота қизи билан турмуш қурганлар.

Уларни 4 нафар ўғил, 3 нафар қиз фарзандлари бор.

Фарзандлари Абдулҳай (1958), Анасхон (1964), Носиржон (1970), Неъматжон (1975)лар.

Абдусаттор маҳдумнинг кейинги аёли Маҳбубахон ойим (1919-2008) Икромхон тўра қизи бўлиб, бу аёлдан фарзанд кўрмаганлар[\[3\]](#).

Ҳозирги кунда Абдусаттор махдумнинг абиралари Тоҳохон (1980) Абдулхай ўғли аҳли илм, аҳли Қуръон бўлиб, халқнинг яхши-ёмон кунларида хизмат қилиб келмоқда. Аллоҳ таоло ўтганларимизни ўзи раҳматига олсин.

Акрам Шарипов, мустақил тадқиқотчи.

Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор қўрғони.

—

[1] Ҳ. Сиддиқов. Яхшилар гулзори. — Ф.; Фарғона, 2007. Б. 26.

[2] А.Жабборов. Азизлар изидан порлаган чироқ. — Ф.; Фарғона, 2007. Б. 39-43.

[3] Ушбу маълумотлар Абдусаттор махдум авлодларининг шахсий архивидан олинди.

—

—